

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ МУАММОЛАРИ ВА УНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УСУЛЛАРИ.

ФВХТХҚТМОИ ўқитувчиси
Етмишева Дилором Ғуломовна.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ХХІ аср-ахборот технологиялари асри, деб башорат қилган эдилар. Республикамиздаги олий ўқув юртларининг кўпчилигида “Ҳисоблаш техникаси ва информатика”, “Ахборот технологиялари” кафедралари, “Ахборот тест марказлари” ҳамда бир нечта техникавий олийгоҳларда “Ахборот хавфсизлиги” кафедралари ташкил этилган. Бундай зарурият асосан компьютер техникаси мамлакатимиз халқ хўжалигида юридик ва жисмоний шахслар томонидан кенг қўлланаётганлигини, давлатлар бозор иқтисодиётига ўтаётганлигидан далолат беради.

Президентимизнинг компьютерлаштириш ва ахборотлаштиришни ривожлантиришга қаратилган фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот коммуникацион технологияларни ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастур бажарилишини таъминлаш учун юқори малакали кадрлар тайёрлаш олий ўқув юртларининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу талаб нафақат бутун дунё талаби, балки ҳозирги кунларда республикамиз ҳукумати томонидан Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари билан биргаликда тайёрланаётган “Информатика ва ахборот технологиялари” фанини ривожлантириш, умумтаълим мактабларининг 2-синфидан ўқитиш кўрсатиб ўтилган.

Маълумки ҳозирда мамлакатимизда мактаб таълимини компьютерлаштириш жараёни жадаллик билан олиб борилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган “2004-2009 йилларда мактаб таълимининг ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури”га кўра мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактаблари тўлалигича замонавий техникалар билан жиҳозланган компьютер синф хоналарига эга бўладилар. Бу улкан тадбирлардан кўзланган асосий мақсад мактабларимизни компьютерлаштириш орқали таълим тизимини ахборотлаштириш ва таълим сифати ва самарадорлигини оширишдан иборат.

Ҳар бир фан ўқитувчисидан ушбу техника ва технологиялардан бохабар бўлиши, улардан таълим жараёнида унумли ва мақсадли фойдалана олиш кўникма ва малакаларга эга бўлиш талаб этилади. Бу борада амалга оширилаётган ишларни қуйидаги вазифалар билан тартиблаш мақсадга мувофиқдир:

-компьютернинг тузилиши, имконияти, бошқариш малакасини эгаллаши керак;

-таълим мазмунини дастурлаш, алгоритмлаш кўникмасига эга бўлиши керак;

-компьютерда тингловчиларни эркин ишлаш малакасини шакллантириш керак;

-ўқув жараёнида ўқитувчи дастур-компьютер-ўқувчи муносабатлари ўрнатишни билиши талаб этилади.

- юқори синф ўқувчилари дастурлаш амалиётидан тўлиқ хабардор бўлишлари керак.

Дарс жараёнида кўргазмалиликка кўпроқ эътибор бериш керак (видиопректорлардан ўринли фойдаланиш). Агар ахборот технологияси компьютер асосидаги дарслар махсус илгаритдан тайёрланган дастур, лойиҳалар, модуллар билан таъмин этилса, ўқув жараёни самарали кечади.

Педагог ходимлар кўпроқ дарс ташкил этишнинг фаол амалиётга йўналтирилган шакллари маъқул кўрадилар. Шунга кўра уларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин: компьютерда умуман ишламаганлар ва базавий компьютер билимига эга бўлганлар.

Тажрибалардан келиб чиқиб ўқув машғулотларни ўтказишнинг асосий тамойилларини аниқлаймиз:

-тингловчиларнинг ҳар хил ёшдаликларини ҳисобга олиш;

-таълимнинг дифференциялаш тамойили: гуруҳларга ажратиш – базавий билими борлар ва билмаганлар;

-таълим муҳитининг мослашувчанлиги (тингловчиларнинг талабларига ва даражаларига қараб);

-дарс жараёни компьютер ёрдамида бўлгани учун унинг кўргазмалилиги;

-ўқитишдаги интерфаоллик (ҳамкорлик тамойили);

-билиш фаолияти-амалиётга йўналтирилганлик ёндашуви;

-таълим жараёнининг фаол шакллари танлаш;

-кўзланган мақсадга эришиш.

Малака ошириш курсларидаги “Ахборот коммуникация технологияларини ўқитиш” дарсларида қуйидаги усуллардан фойдаланилади:

-иллюстратив-тушунтириш (назарий билимларни тақдиротлар ёрдамида тушунтириш, аниқ технологик жараёнларни намоий этиш);

-дарс ишланмаларини ёзишда ахборот коммуникацион технологиялар ёрдамида тўплаган ахборотларни умумлаштириш, курс доирасида конкурс топшириқларни бажариш;

-амалий усуллар (мустақил ишлар ва раҳбарлик остида ишлаш);

-назорат ва ўз-ўзини назорат усуллари бир-бирларининг ахборот-коммуникацион технологияларини дарсга тадбиқ этиш лойиҳаларини баҳолашлари;

Тажрибалар шуни кўрсатадики курслардаги амалиёт вақтида билим олишнинг асосий босқичлари қуйидагилар:

-жараёни кузатиш;

-илк ўзлаштириш (ҳамма билан бирга ва бир-бирларининг ютуқларини баҳолаш).

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки ўқитувчи ўқув жараёнида ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиб дарслар ташкил этиши керак, бу тингловчиларда якка тартибда, мустақил ишлашга, натижада у ўзи олаётган билимлари натижасидан маънавий, руҳий озуқа олади. Ижодкорлик, яратувчанлик таълимнинг сифатли, самарали кечишини кафолатлайди.